

**Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш
агентлиги директори А.Бурханов
раислигида ўтказилган йиғилиш**

2-СОНЛИ БАЁННОМАСИ

2024 йил 6 май

Тошкент шаҳри

Раислик этувчи:

А.Бурханов

Агентлик директори

Директор ўринбосарлари:

Д.Рахимов, У.Тухташева,

У.Мавлянов

Тармоқ раҳбарлари:

А.Эргашев, У.Бердиқулов,

У.Дуаланов, У.Абруев,

А.Камилов, Д.Рахматов,

З.Бойсинов ва бошқалар

Котиб:

Ж.Бешимов

Кун тартибидаги масала:

I. “Ijro.gov.uz” тизимидаги ҳужжатлар ҳамда Агентлик олдида турган бошқа топшириқларнинг ижро этилиши аҳволи ҳамда келгусидаги вазифалар.

Йиғилишни раислик этувчи кириш сўзи билан очиб, кун тартибидаги масала юзасидан қуйидагиларни таъкидлаб ўтди.

“Ijro.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизимида **май ойига** муддати белгиланган **24 та** топшириқни ижро муддатини кутмасдан бажариш, Агентлик томонидан ишлаб чиқилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини келишиш жараёнларини якунлаб, тегишли тартибда киритиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-240-сон қарори ижроси юзасидан давлат органлари ва ташкилотлари функцияларидаги коррупция хавф-хатарларини баҳолаш ишларини якунига етказиш ҳамда Агентлик олдида турган бошқа вазифалар ижросини таъминлаш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Кун тартибидаги масала юзасидан директор ўринбосарлари Д.Рахимов, У.Тухташева ва У.Мавляновларнинг ҳамда таркибий тармоқ раҳбарларининг ҳисоботлари ҳамда таклифлари эшитилиб, муҳокама этилди.

Қайд қилинганларга асосан йиғилиш:

ҚАРОП ҚИЛАДИ:

1. Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директорининг ўринбосарлари (Д.Рахимов, У.Тухташева, У.Мавлянов), Тизимли таҳлил ва прогнозлаштириш йиғма бўлими, барча таркибий тармоқ раҳбарларига:

1.1 “**Ijro.gov.uz**” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизимида май ойида ижро муддати белгиланган **24 та** топшириқ бажарилишини таъминлаш бўйича кунлик назорат ўрнатилсин.

1.2 Коррупцияга қарши курашиш соҳасида амалга оширилган ишлар бўйича Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тўғрисида Миллий маъруза лойиҳаси Олий Мажлис Палаталарига кўриб чиқиш учун киритилсин.

1.3 Коррупцияга қарши курашиш борасидаги чора-тадбирларнинг ҳудудларда ижросини ўрганиш бўйича Навоий ва Қашқадарё вилоятларига хизмат сафарлари ташкил этилсин.

1.4 Коррупцияга қарши курашиш ички назорат тузилмалари фаолияти бўйича Агентлик расмий веб-сайти ва ижтимоий тармоқларида доимий равишда маълумотлар бериб борилиши таъминлансин.

1.6 Коррупцияга қарши курашиш Миллий кенгашининг 2024 йилда бўлиб ўтган 12, 13 ва 14-сон йиғилиш баёнида белгиланган топшириқлар ижроси юзасидан вазирлик ва идоралардан маълумотлар олиниб, умумлашган таҳлилий маълумот Миллий кенгашга киритилсин.

1.7 Тошкент шаҳрида “Глобал медиа форуми”ни ўтказиш бўйича концепция ишлаб чиқилсин.

1.8 Агентликка келиб тушаётган жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қонун талаблари асосида кўриб чиқиш муддатларига қатъий амал қилинсин.

Раислик этувчи

А. Бурханов

Котиб

Ж. Бешимов

